

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош мухаррир:

проф. НабиевД.Х.

Бош мухаррир ўринбосари

доц. Холмираев Н.С.

Масъул котиб

ф.ф.д. Жумаев Т.Ж.

Тахририят ҳайъати аъзолари:

проф. Баҳриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборова А.М.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

т.ф.д. Мўминова Г.

проф. Нормуродов. М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

проф. Очилов А.О.

ф.ф.д. Тоғиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умрзоқов Б.Б.

проф. Хайдиддинов Б.Х.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев А.Ч.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрназарова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Қурбонов Ш.Қ.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳакимов Н.Х.

к.ф.д. Камолов Л.С.

доц. Орипова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Қурбонов П.Қ.

доц. Ҳамраева Ё.Н.

**Журнал 2009 йилда
ташкил этилган**

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.

Қарши давлат университети,

Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@umail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlari

2022

3/2(52)

Қарду ҲАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Ижтимоий-гуманитар
фанлар**

Муассис: Қарши давлат университети

Журнал Қашқадарё вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармаси

томунидан 17.09.2010 йилда

**№ 14–061 рақамли гувоҳнома
билиан қайта рўйхатдан ўтган.**

Мусаххилар:

3.Рахматова

М.Набиева

3. Кенжаева

Ж. Буранова

Б.Турсунбоев

Саҳифаловчи

Я.Жумаев

Навбатчи

Т.Жумаев

Техник мухаррир

М.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
карорлари билан **физика-математика,
кимё, биология, тарих, фалсафа,
сиёсанунослик, филология ва
педагогика** фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган
илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**Йилига 6 марта
чоп этилади**

Адрес редакции:

180003, Карши, Кучабаг, 17.

Каршинский госуниверситет,

Главный корпус.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@umail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlari

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

Рашидов О.Р. Ўрта Осиёни миллий-худудий чегаралаш атрофида ғоявий-мафкуравий тортишувлар.....	4
Сайдов Б.Ж. Ўзбек маҳалласи миллий-тарихий институт сифатида.....	8
Раупов Х.Р. Ўзбекистонда уран конлари: тарихи ва бугуни.....	14
Очилова Х. Қарши воҳасида аёл ҳомиладорлиги давридаги расм-русумлар (XIX аср охири – XXI асрнинг бошлари).....	18
Рахмонқуловна О. Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият сиёсий ҳаётидаги иштироки (Жанубий вилоятлар мисолида).....	21
Ҳамраева Н.Ш. Абулғозийнинг “Шажараи турк” асарида Хива хонлигини қўшни давлатлар билан алоқаларининг тавсифи.....	25
Ҳасанова Ҳ.Ё. Туркистанликлардан хорижда техника соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш тарихидан (1917-1924 йиллар).....	28
Нарманов Ф. XX асрнинг 20-30 йиллари таълимида Ўзбекистонда тарих фани масаласига доир.....	31
Тўраева М.Х. XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистонда кутубхоналар фаолияти (Жанубий худудлар мисолида).....	34

ФАЛСАФА

Боратов Э. Адолат – маънавият категорияси.....	38
Қобилов У.М. Терроризмнинг келиб чиқиши ва салбий оқибатлари.....	42
Мўминова З. О. Тафаккурнинг физиологик ва руҳий-манавий хоссалари.....	45
Асатуллоев И. А. Фарб фалсафасида қалб тўғрисидаги фалсафий фикрларнинг ривожланиши.....	48
Жуманиязова М. Р. Хотин-қизлар саломатлигининг илмий ва валеологик омиллари..	52
Назаров Р. Н. Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавий қиёфасига таъсири.....	55
Искандаров Н. Ш. Саломатлик ва жисмоний етуклик феноменларининг ижтимоий-эстетик жиҳатлари.....	57
Соатов Ф. Динийлик ва оммавий психология.....	61
Худайназаров А.Ў. Ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллигини юксалтириш: ёшлар бандлиги.....	66
Джуракулов Ҳ. А. Шахс экологик ҳуқуқий онги феномени ва унинг экологик туризм ривожидаги конструктив аҳамияти.....	71
Ахмедова Д. Ёшлар ижтимоий қиёфасига ахборотнинг таъсири.....	77
Ro'ziyev A. X. Tarbiya insonni komillikka eltuvchi ilm sifatida.....	82

СИЁСАТШУНОСЛИК

Авазов С. Э. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси: сабаб ва оқибатлари.....	86
Абдуназаров С.И. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг маънавий-ахлоқий омиллари.....	89
Сауров Р.Р. Давлатнинг ҳалқчиллик тамойили ва бошқарув тизимлари.....	92
Сайдназаров У.А. Шахсада жисмоний маданиятни шакллантиришнинг маънавий-руҳий ва психодиагностик масалалари.....	94
Рахмонова М.Х. Япон боғдорчилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	98
Лутфуллаев А.А. Тарбия маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш омилидир.....	100
Баратов Р. Ў. Малакали кадрлар тайёрлашда миллат руҳияти ва этномаданият уйғунлиги.....	104
Аминов Н. Постмодерн жамиятда ёшлар дунёқарашидаги ўзгаришлар.....	108

Зоро, бугунги кишилар маънавий таназулларининг олдини олиш учун азалий қадрият – динийликка суюнишга ҳаракат қилинмоқдами, албатта ана шу эҳтиёжни қодиришга имконият яратиш зарур.

Бунуғи кунда ижтимоий зарурат маънавий руҳий жараёнлар, яъни кишилар маънавиятини нафақат тартибга солиш, уни янада давр руҳи билан такомиллаштиришга эътибор беришни талаб қилмоқда. Демак, ана шу заруратдан келиб чикиб дунёвийлик ва динийликни уйғун ҳолда олиб бориш ўта мухимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лебон Г. Омма психологияси. – Т: Ёшлар матбуоти, 2020, – Б. 70.
2. Эрих Фромм. Озодликдан қочиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2021. – Б. 288.
3. Лебон Г. Омма психологияси. – Т: Ёшлар матбуоти, 2020. – Б. 79, 93, 102, 134.
4. Аҳмад Мухаммад Турсун. Абу Ҳомид Фаззолий. “Қалблар табиби”. – Т.: Qaqnus media, 2017. – Б. 68-69.

Наширга проф. С.Чориев тавсия этган

ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ: ЁШЛАР БАНДЛИГИ

Худайназаров А.Ў. (ЎзМУ)

Аннотация. Маколада Ўзбекистон ёшлар бандлигини таъминлаш ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллигини юксалтириш гарови эканлиги ўрганилган. Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича мамлакатимиизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар орқали ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокини ва фаоллигини юксалтириш, ёшларнинг бандлик соҳасида юзага келаётган муаммоларга самарали ечимлар ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишига стратегик муҳит яратилаётганлиги тўғрисида хulosалар берилган ва ижтимоий-сиёсий таҳлил этилган.

Таянч сўзлари: ёшлар, бандлик, ёшлар бандлиги, ёшлар фаоллигини юксалтириши, ёшлар бандлигини таъминлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ижтимоий ҳаёт соҳалари, ёшларга оид давлат сиёсати, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат бозори.

Аннотация. В статье исследуется тот факт, что трудоустройство молодежи в Узбекистане является гарантией повышения ее участия в общественно-политическом процессе. Также был сделан вывод, что проводимые социально-политические реформы, направленные на обеспечение занятости молодежи, увеличивают участие и активность молодых людей в общественно-политических процессах, создают эффективные решения проблем занятости молодежи и выводят государственную молодежную политику на новый уровень.

Ключевые слова: молодежь, занятость, повышение активности молодежи, молодежный активизм, молодежная занятость, занятость населения, социально-политические процессы, общественная жизнь, государственная молодежная политика, социальная поддержка молодежи, рынок труда.

Annotation. The article explores the fact that youth employment in Uzbekistan is a guarantee of increasing their participation in the socio-political process. It is also concluded that the ongoing social-political reforms aimed at youth employment increase the participation and activity of young people in the social-political processes, create effective solutions to youth employment problems and bring the state youth policy to a new level of political analysis.

Key words: youth, employment, youth activism, youth employment, youth employment, socio-political processes, social life, state youth policy, youth social support, labour market.

Кириши. Ёшлар бандлиги – ёшлар иштирок этадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлариидир. Ёшлар бандлигини таъминлаш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси хисобланади. Ёшлар бандлигини таъминлаш даражаси юқорилиги мамлакатнинг кадрлар салоҳиятининг рақобатбардош эканлигини кўрсатиб беради. Ҳозирги вақтда инсон салоҳиятининг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшлар меҳнатидан фойдаланиш ва бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ҳамда самарадорлигига боғлиқдир.

Бугунги кунда ёшлар ишга жойлашишда катта қийинчиликларга учраётган ижтимоий тоифалардан бири хисобланади. Бу қийинчилик ва муаммоларини бартараф этиш ҳамда ёшларнинг ишга жойлашиш ва бандлигини таъминлаш учун 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси [1] да ёшлар бандлиги масаласи муҳим ижтимоий тармоқлардан бири сифатида қайд этилиб, унда, ўрта маҳсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш алоҳида таъкидланган. Мазкур вазифани самарали амалга ошириш ҳамда шу орқали ёшларни муносаби иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда ёшлар бандлигига кўмаклашиш” лойиҳаси [2] ни ишга туширдилар. “Ўзбекистонда ёшлар бандлигига кўмаклашиш” лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад – Ўзбекистонда фаол чора-тадбирлар амалиётини кўллаш орқали ёшлар бандлигига кўмаклашиш, бу йўлда уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, тадбиркорлик фаолиятлари учун янги имкониятларни яратиш, меҳнат бозоридаги хизматлар сифатини янада ошириш хисобланади.

Ушбу лойиҳа 2019-2021 йилларга мўлжалланган бўлиб, учта асосий йўналишда амалга оширилади: **биринчидан**, меҳнат бозоридаги фаол сиёsat орқали ёшлар бандлигига кўмаклашиш ва кўллаб кувватлаш; **иккинчидан**, ёшлар тадбиркорлиги ва бизнес-стартапларини ривожлантириш; **учинчидан**, ёшлар бандлигига кўмаклашишда кўрсатиладиган хизматлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Мазкур лойиҳа орқали келгусида янада сифатли механизmlар асосида ташкил этиладиган бўш иш ўринлари ярмаркасига ёшларни кенгрок жалб қилиш, вакансиялар ва ишга қабул қилиш ҳақидаги эълонлар жойлаштириладиган ва ёшлар томонидан фаол қўлланиладиган замонавий мобил иловани ишлаб чиқиши, касбий ривожлантириш марказларида ўқийдиган ёшлар сонини ошириш, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган стартапларни қўллаб-куватлаш ва юзага чиқариш, халқаро стандартларга мувофиқ ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражасини белгилаш бўйича методология ва тавсияларни ишлаб чиқиши режалаштирилган. 2019 йилнинг 13 май куни “Ўзбекистонда ёшлар бандлигига кўмаклашиш” лойиҳасини ишга тушириш маросими бўлиб ўтди. Маросимни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Мухитдинов, БМТ бош котиби ёрдамчиси, БМТ ТД Европа ва МДХ давлатлари худудий бюроси директори Мирияна Этгер, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор элчиси Владимир Тюрденев очиб беради ва лойиҳа тақдимоти ўтказдилар.

Мамлакатимизда ҳар йили ёшлар ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланадиган дастурларни амалга ошириш ҳамда бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш механизmlарини такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шаклларини ривожлантириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ахолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташабbusларини рағбатлантиришга, ижтимоий заиф катламлар бандлигини таъминлашга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-хукуқий хужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг Ёшларга оид давлат сиёsatини такомиллаштириш бўйича белгиланган 70 мақсадида ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш тўғрисида кўрсатиб ўтилган [1].

Шунга қарамай, худудлардаги меҳнат бозорида хали-ҳамон айrim муаммолар сақланиб қолмоқда, яъни бўш иш ўринларини ташкил этишини факат формал асосида олиб бориш, ёшларнинг ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларга бўлган ишончи сустлиги, айrim худуларда меҳнат ярмаркаларига уюшмаган ёшларни кенг миқёсда жалб эта олмаслиги, меҳнат ярмаркалар айrim раҳбарларга ҳисобот бериш учун номига ўтказилиб, натижага ва самарадорлигига эътибор ҳам берилемаслиги, ёшларнинг танлаган касбининг ойлик маошига қониқмаслиги яъни ойлиги камлиги ва ташки миграцияси жараёнларини тартибга солишининг айrim масалалари ҳал этилмаётганлиги долзарб муаммо ҳолда қолмоқда.

Бизнингча ёшлар ишга жойлашишда айрим раҳбарларнинг норматив-хукукий хужжатларда қўрсатилмаган талаблар қўйилиши яъни иш стажи ва айрим олий таълим муассасаларда илмий даража талаб этилиши, битирувчи ёшларга ишга жойлашиш бўйича хукукий маслаҳат ва касбий ахборот бериш хизматлари маркази жорий этилмаганинги мамлакатимиз тараққиёти ва ёшларнинг давлатга ҳамда айрим раҳбарларга бўлган ишончсизлиги юзага келмоқда. Шунингдек, айрим олий таълим муассасалари ёшларни қўпинча ижтимоий ҳаёт соҳаларининг истиқболдаги эҳтиёжларини, уларнинг имкониятлари ва ресурсларини ҳисобга олмаган ҳолда касбга тайёрламоқда. Оқибатда меҳнат бозорида айрим мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги ва айрим соҳалар бўйича мутахассислар ўша соҳанинг эҳтиёжидан 2-3 баробар ошиб кетганлиги кузатилмоқда.

Ундан ташқари, ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-хукукий ва психологияк қўллаб-куватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишининг доимий молиявий манбаларини ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартағи “Ёшларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сонли Қарори [4] қабул қилинди. Мазкур Қарорга биноан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман ва шаҳарларда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-куватлаш жамғармаси ташкил этилди. Мазкур ташкил этилган жамғарма Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларнинг камидаги 15 фоизи миқдорида ҳар чорақда ажратиладиган маблаглар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сон Фармони [5] нинг 12-бандидабелгиланган тушумларнинг мазкур Фармонга 3-иловагамувофиқ миқдордаги қисмини, хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари ҳамда ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантириш кўзда тутилган.

Халқаро валюта фондининг 2018 йилги маълумотларига кўра ҳар йили 500 мингга яқин ёшлар меҳнат бозорига кириб келади. Улар етарли тажриба ва билимга эга бўлмаганликлари сабабли иш топиш ҳамда рақобат қилишда қийинчиликларга учрайдилар. 2018 йилнинг июль ойида ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш масалаларига бағишлиб ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан 1700 дан зиёд ярмаркалар ўтказилганига қарамай, иштирокчиларнинг фақатгина беш фоизи иш билан таъминлангани, 509 минг нафар ёшлар эса хорижга пул ишлаш учун кетгани ҳақида билдириб ўтган [6].

Ёшлар сиёсатининг амалга оширилишидаги муаммо ва камчиликларни, шунингдек, “Ўзбекистон ёшлари: интилиш, эҳтиёж ва хавфлар” мавзусидаги тадқиқот натижаларига қарайдиган бўлсак, мазкур тадқиқот “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳаморликда “Ёшлар — Ўзбекистоннинг келгуси етакчилари” лойиҳаси доирасида ўтказилди. Унда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 4,5 минг нафар ёшлар иштирок этишган. Респондентларнинг деярли ярми ижтимоий ҳимоя, бандлик, айниқса ногиронлиги бўлган ёшларни иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш каби соҳалар яхшиланишга муҳтожлигини таъкидлаганлар. Шунга қарамай, иштирокчиларнинг деярли 70 фоизи ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистонни тарк этишини истамаётганликларини билдиришган. Бироқ, айни пайтда, ёшлар ўзлари учун муносиб иш топишда қийинчиликларга дуч келаётганликларини маълум қилишган [6].

Юкоридаги тадқиқот натижаларига қарайдиган бўлсак, юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун ёшларга бандлик ва ишга жойлашиш бўйича хукукий маслаҳат ва касбий ахборот бериш маркази ва платформасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур муаммоларга ечим топиш орқали ёшларда давлатга ва келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, Ватан тақдирни менинг тақдирим деб ёниб-куйиб яшайдиган ёшлар этишиб чиқади.

2021 йил 27 январ куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигига ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси

юзасидан видеоселектор йигилиши бўлиб ўтди. Мазкур видеоселектор йигилишда Президентимизнинг Ўзбекистон ёшлари форуми ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномаси [9] да айтилган таклифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тизимни жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар мухокама қилинди. Президент Шавкат Мирзиёев бу ишлар иккита мухим йўналишда ташкил қилиниши зарурлигини кўрсатиб ўтди. Биринчиси - ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш, касб-хунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўлса, иккинчиси - ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш иборатлиги таъкидлаб ўтилди.

Бугунги кунда юртимизда 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз экани қайд этилди [13]. Шу борадаги масалаларни тизимли ҳал этиш мақсадида Республика ишчи гурухи жойларда ёшларнинг таклифларини “маҳаллабай” ўрганмоқда. Бу ўрганишлар ёшларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, улар учун кредит ажратишда ҳалигача кўплаб камчиликлар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам кўплаб муаммолар бор. Аксарият маданият марказлари, истироҳат боғлари ва спорт комплексларининг моддий-техник базаси қониқарсиз, тўгараклар номига ишлаётганлиги кўриш мумкин. Йигилишда бу муаммоларни манзилли ҳал этиш учун ҳар бир туман ва шаҳар кесимидағи устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди. Унга мувофиқ, ҳокимнинг иктиносидиёт, инвестициялар ва қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари – бандлик масалаларига; солик идораси, савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбарлари – ёшларни тадбиркорликка жалб қилишга; ҳокимнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга; туман прокурори, ички ишлар ва мудофаа бўлими бошлиқлари – уюшмаган ёшлар билан ишлаш, жиноятчиликни жиловлаш, уларда ватанпарварлик туйгуларини шакллантиришга масъуллиги белгилаб берилди. Ундан ташқари йигилишда жорий йилда 500 минг нафар ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш зарурлиги таъкидланди. Туман ва шаҳарларда анъанавий ёки масофавий ўқув курсларини кўпайтириш, ишсиз ёшларни ушбу тизим орқали касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиб, бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-хунар коллежларини асбоб-ускуна билан таъминлаш, касб стандартларини ишлаб чиқиши ва ўқитувчилар малакасини ошириш вазифалари белгиланди. Ёшлар: 1+1” дастури доирасида ўғил-қизларни тадбиркорларга бириктириб, уларда бизнес кўнимкамларини шакллантириш, имтиёзли кредитлар ажратиб, ўз фаолиятини бошлашга кўмаклашиш зарурлиги айтилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жойларда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди [10].

Бугунги кунда дунёда глобал қашшоқлик тенденциясининг пасайишига қарамай, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда камбағалликнинг аксарияти қисми ёшлардан иборат бўлиб қолмоқда. Жаҳон меҳнат бозорларидағи ўзгаришлар шундан иборатки, “мослашувчан” ишчи кучи оммалашиб бормоқда ва натижада кўплаб мамлакатларда ёшлар ўртасида ярим кунлик ва вақтинча ишлаш учун тез-тез шартномалар тузилмоқда. Бу, бир томондан, ёшларнинг кўпроқ ҳаракатчанлиги, бошка томондан, уларнинг меҳнат бозоридаги заифлиги ва тўлиқ меҳнат шартномасини олиш имконияти чекланганлигини билиш мумкин. Натижада ёшлар бандлиги кўпинча мавсумий бўлган турли хил ярим кунлик ишларда ишламоқдалар.

Умуман олганда, деярли барча ривожланаётган мамлакатларда ёшлар кўпинча кўйидаги муаммоларга дуч келишади:

- 1) билим, маълумот ва таълим;
- 2) ер;
- 3) молиялаштириш;
- 4) муносиб иш жойлари;
- 5) меҳнат бозорлари;
- 6) сиёсий мулоқотга киришиш.

Бу қийинчиликларнинг барчаси ёшларни иш билан таъминлаш истиқболларини ёмонлаштиради ва муносиб меҳнат шароитларини олиш эҳтимолини пасайтиради [11].

Умуман ёшлар ўртасида ишсизлик ва норасмий иш билан таъминлаш салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, ишсизлик муттасил равишда ошиб бориши, норасмий

ишлишнинг оқибатида солиқ тушумларини камайиши, инсон капиталига жалб этиладиган инвестициялар ва ялпи талабнинг пасайиши каби юқори иқтисодий харажатлар, ёшларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурларга бўлган ишончи пасайиши ҳамда меҳнат шароитлари ва имкониятлари яхши бўлган чет эл давлатларига чиқиб кетиши каби оқибатлар юзага келади.

Дунё тадқиқотларига назар соладиган бўлсак, дунё ёшларини эрта меҳнат ёшидаги ишсизлиги ва хавфли иш билан таъминлаш умрбод карерасига таъсири қилади. Бир неча тадқиқотлар шуни кўрсатди, эрта меҳнатга лаёкатли ёшдаги муносиб меҳнат шароитларининг йўқлиги кўпинча даромадларнинг пасайишига, ишсизлик эҳтимоли ва келажакда ишдан кониқишининг пасайишига олиб келади. Бу, айниқса, катта мартаба истиқболлари умидида таълим муассасаларини эндинга тутагтан ёшлар учун долзарбдир. Ишсиз бўлиб, ёшлар ўзларининг ижтимоий мавқеини йўқотади ва ижтимоий доираларга мансуб бўлиб, ўзларини бегона ҳис қилишади. Ушбу омиллар ёшларни зўравонлик ва радикализмга ундаши мумкин.

Ёшларнинг бандлиги, шунингдек, билвосита оилани яратиш ва туғиши билан боғлиқ ҳаётнинг катталар босқичига ўтишни олдиндан белгилаб беради. Шундай қилиб, хавфли иш билан бандлик ва ёшларнинг ишсизлиги таълим ёшининг беихтиёр ошишига, никоҳнинг кечикишига олиб келиши мумкин. Ва ниҳоят, ота-оналар бекарор ва самарасиз бўлган пайтда оилани яратиш, болалар тарбияси ва уларнинг соғлигига етарлича маблағ сарфланмаганлиги натижасида келажак авлод фаровонлигига акс этади. Натижада, камбағал оиласида ёшларнинг ҳам сифатли маълумот олиш, ҳам барқарор иш билан таъминлаш имкониятлари анча паст бўлади [11].

Юқоридаги тадқиқотлардан келиб чиқиб мазкур хulosaga келиш мумкин. Ёшларни барқарор иш билан таъминлаш - мамлакат аҳолиси қашшоқлигини камайтириш, ёшлар учун муносиб яшаш ва меҳнат шароитларини янада такомиллаштириш бўйича концепцияларни ишлаб чиқиши талаб этади. Бу масъулиятни адолатли амалга ошириш учун мамлакатимизни ривожлантирадиган концепция ва дастурлар ишлаб чиқадиган юксак салоҳиятли ёш кадрларни жалб қилиш керак.

Бугунги кунга келиб мамлакатни ижтимоий ҳаёт соҳаларни ривожлантириш бўйича “Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси” ишлаб чиқилди ҳамда “BUYUK KELAJAK” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилди. Мазкур концепцияда халқаро баҳоларга кўра, Ўзбекистонда ишсизлик даражаси расман тасдиқланган кўрсаткичдан 4 фоиз юқори. Норасмий ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда ишсизлик 35 фоизни ташкил қилиши мумкин, яъни меҳнатга лаёкатли ёшдаги ҳар учинчи Республика фуқароси ишсиз. Мамлакатдаги меҳнатга лаёкатли аҳолининг катта қисми (деярли учдан бири) чет элда ишлайди. Миграция оқими давлат томонидан назорат қилинмайди. Экспертлар баҳолашлари бўйича Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиётининг улуши 50% дан ортиқ бўлиши мумкин [12].

Хулоса. Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар кўлами ошган сайин ёшларнинг бандлик соҳасида юзага келаётган муаммоларга самарали ечимлар ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишига стратегик муҳит яратилади. Ўзбекистон дунёдаги иқтисодиёти ривожланган 50-та мамлакат рўйхатига киришни олдига мақсад қилиб қўйган экан, ўша мақсадга эришишга куйидаги таклифларни инобатга олса мақсадга мувофиқ бўларди.

Буларга:

- ёшлар ва таълим муассасаларни битиувчиларга ишга жойлашиш бўйича хукукий маслаҳат ва қасбий ахборот бериш марказларини жорий этиш;

- ҳар бир битиувчиларни қайси соҳа ва лавозим мутахассислигига мойиллигини аниқлаш бўйича психологик марказ ташкил этиш ва иш берувчи муассасаларга йўлланма беришни жорий қилиш;

- ёшларни ишга жойлашган идора-ташкилотларда айрим раҳбарлар юқори лавозимга тайинлашда уни ёшига эътибор қилиб, унга ишончсизлик билдирилиши;

- ҳамкарасларининг ўзининг мувафақиятсизлигини уларга ҳам таъсири қилишларини истаси, уларнинг ютуқларини кўра олмаслик оқибатида юқори лавозимга тайинлашда қаршилик қилиши;

- юқори лавозимга тайинланганда ҳам унга қарши иғво тарқатишга уринишлар юзага келиши;

- ёшлар ўз ишига ҳуқуқий тарафдан масъулият билан ишлагани учун айрим раҳбарлардан таҳдидга учраш ҳолатлари юз бермоқда.

Мана шундай ҳолатларни олдини олишга ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлса ҳам ёшлар эртанги кунини ўйлаб, келажагига тўсиқ бўлувчи раҳбарларни таҳдидига сабр қилиб келишмоқда. Бу ҳолатлар муттасил давом этаверса ёшлар ўртасида коррупция, тамагирлик, маҳаллийчилик, лавозимни сунистеъмол қилиш, моддий эҳтиёжларини юқори ўринларга кўйиш, гуманизм ғояларидан йироклашиш ҳолатлари юз беради. Ёшларга кенг имкониятлар яратиб бериш керак деб ўйлайман. Айрим раҳбарлар ёшларда тажриба етишмайди дейишади, лекин ёшларда янги инновацион ғоялар ва таклифлар онгидаги мавжуд. Уни юзага чиқаришга шарт-шароит яратиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони./ 2022 йил 28 январь/ <https://lex.uz/docs/5841063>.
2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистондаги БМТ Таракқиёт дастури билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда ёшлар бандлигига кўмаклашиш” лойиҳаси. <https://mehnat.uz/uz/news/uzbekistonda-eshlar-bandligiga-kumaklashish-loyihasi-ishgga-tushirilmoqda>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 14 июл, ПҚ-3856 сон.https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=3824637
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2021 йил 11 март, 132-сон. <https://lex.uz/docs/5328442>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5124086>
6. Қаранг: https://yumh.uz/uz/news_detail/93
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил.<https://president.uz/uz/lists/view/4057>
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йигилишидаги маърузаси. 27.01.2021 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/4105>
9. Неустойчивая занятость в Узбекистане: состояние, проблемы и пути их решения // Тошкент-ПРООН, 2018. (www.uz.undp.org)
10. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. – Б 487.<https://uzbekistan2035.uz/>
11. Khudaynazarov A.U. Factors for Increasing the Activity of Youth of Uzbekistan in the Field of Science and Education. Middle East Journal of Applied Science & Technology, Vol.5, Iss.1, Pages 33-37, January-March 2022.
12. Худайназаров А.Ў. Ўзбекистон ёшларининг фаоллигини юксалтиришда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг ўрни. Ўзбекистон Миллий университети хабарлари, 2021, – № 1/4. – Б. 175-177.
13. Худайназаров А.У. Роль реформ в повышении активности молодежи Узбекистана в социально-политических процессах. “Экономика и социум” №4(83) ч. 2. 2021. – Б. 661-665.
14. И.Эргашев, Худайназаров.А.Ў. Ўзбекистон жамияти бошқарувида ёшлар фаоллигини оширишнинг маънавий омиллари. Ижтимоий тадқикотлар журнали, 5-сон, 3-жилд. – Тошкент, 2020. – Б. 79-86.

Наширга проф. С.Чориев тавсия этган

ШАХС ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ КОНСТРУКТИВ АҲАМИЯТИ

Джурақулов X. А. (СамДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада бутунги антропоген таъсир натижасида юзага келаётган экологик муаммоларни олдини олишда шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш зарурияти ва унинг атроф-